Mustaqillik huquq demakdir

# Ниқиқ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 5-aprel, № 14 (535)

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

30 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди. Парламент юқори палатасининг аъзолари ялпи мажлиснинг иккинчи иш кунини «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқишдан бошладилар. Қонун этил спиртини, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини контрабанда йўли билан олиб киришга, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритишга, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаган ҳолда ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташишга, ўтказишга, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатишга қарши курашни кучайтиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қонунда истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига реал хавф соладиган ана шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда, бундай қонунбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Қонунда чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилмоқда. Қонунда назарда тутилган ҳуқуқий чоралар маҳсулотларни, агар уларни истеъмол қилиш фуқароларимизнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф соладиган бўлса, қонунга хилоф равишда олиб киришнинг, ғайриқонуний тарзда ишлаб чиқаришнинг олдини олиш ва пайини қирқиш учун янада самаралироқ шароитлар яратилишига олиб келади.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди. Қонунда мужассам топган ҳуқуқий чоралар энг аввало автомототранспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикасининг халқаро фаолияти билан боғлиқ иккита ҳуқуқий ҳужжат кўриб чиқилди ва маъқулланди. Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, шулардан биринчиси «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўлиб, у Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илк бор 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг мантиқий ҳосиласидир. Ўзбекистон Президентининг айни ана шу ташаббуслари 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинскда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани имзолаш йўли билан халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Бу Шартнома минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тинчлик сақланишини таъминлашга қаратилган муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Халқаро туркумга мансуб иккинчи ҳуқуқий ҳужжат — «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг Евроосиё маконида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш ҳақидаги қарорини (Санкт-Петербург, 2005 йил 6 октябрь) амалга ошириш билан боғлиқ. Қарорда «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотини Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан бирлаштириш ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бу интеграциялашув жараёнлари ривожланишидаги янги босқичдан далолат беради.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни ҳам маъқулладилар.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, уларнинг ишини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни ҳамда Сенат ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тўққизинчи ялпи мажлисда ҳаммаси бўлиб 24 та масала кўриб чиқилди, уларни муҳокама қилишда 67 нафар сенатор сўзга чиқди.

Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган барча қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, унинг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ ҳамма соҳаларни ислоҳ қилиш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Айни шу жиҳатдан олганда сенаторлар томонидан маъқулланган хусусан қуйидаги қонунлар — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун, шунингдек «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур қонунлардаги қоидаларнинг амалга оширилиши бутун сиёсий, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар жараёнларига, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш бардавомлигига чуқур таъсир ўтказади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати**

Республика Бош прокуратурасида

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров 2007 йил 28 март куни ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Маттиас Майерни қабул қилди.

Учрашув чоғида меҳмон Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизими, уларнинг асосий мақсадлари ҳамда вазифалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси ва фаолиятининг бошқа устувор йўналишлари билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси ва ГФР ҳукуматлари ўртасида 1995 йил 16 ноябрда Бонн шаҳрида имзоланган «Уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиддий хавф туғдирувчи жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида»ги Битим асосида ҳар иккала мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва чуқурлаштириш истиқболлари хусусида конструктив мулоқот бўлиб ўтди.

Жиноят ишлари бўйича иккала мамлакатнинг Бош прокуратуралари ўртасидаги икки томонлама ҳуқуқий ҳамкорлик изчил ва самарали амалга оширилаётганлиги, бу жараён Моника Хармс хоним ГФР Бош прокурори лавозимига тайинлангандан кейин янада жадаллашганлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат сўнгида томонлар ўзаро бир-бирини тушуниш ва ўзаро манфаатлар асосида икки томонлама ҳуқуқий ҳамкорликни янада тараққий эттиришга янги турткi берадиган ушбу мулоқотдан қониқиш ҳис этганликларини изҳор қилдилар.

**Хуршид БЎРИЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси бўлим катта прокурори**

## ЭКСПЕРТЛАР ТАШРИФИ

Европа Иттифоқи Кенгашига раислик қилиб турган Германия Федератив Республикасининг мурожаатига мувофиқ Германия Ташқи ишлар вазирлигининг Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари бўлими раҳбари жаноб Ролф Шулсе раҳбарлигидаги Европа Иттифоқи экспертлари делегацияси 2007 йилнинг 31 мартидан 4 апрелига қадар Ўзбекистон Республикасида бўлди. Ташрифдан мақсад Европа Иттифоқи экспертларининг 2006 йил 11-15 декабр кунлари Ўзбекистонга сафари якунларига кўра уларда 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар бўйича пайдо бўлган қўшимча саволларни муҳокама қилишдан иборат эди.

Ушбу ташриф доирасида Европа Иттифоқи экспертлари Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди. Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари экспертлари билан уларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Шунингдек, ЕИ экспертлари жазога ҳукм этилганлар, уларнинг адвокатлари ва судьялар билан ҳам учрашди. Европа Иттифоқи делегациясининг эксперт учрашувлари давомида Андижон воқеалари бўйича ўтказилган текширувлар ва қўзғатилган жиноий ишларни судда кўриб чиқиш якунларига тегишли уларни қизиқтирган барча масалалар бўйича батафсил маълумот тақдим этилди.

Ташриф доирасидаги учрашувлар ишчанлик вазиятида, ўзаро ҳурмат руҳида ўтди. Томонлар бўлиб ўтган амалий мулоқотлардан қониқиш ҳосил қилганини билдирди.

Соҳибқирон Амир Темур 671 ёшда

## Амир Темур қадрияти — давлатчилик таянчи

**Дунё халқлари тақдирида, унинг цивилизацияси жараёнида Амир Темурнинг ўрни беқиёсдир. Соҳибқирон Амир Темур мўғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлигига барҳам бериб, Мовароуннаҳрда қудратли марказлашган давлат барпо этди.**

**Амир Темурнинг давлатни бошқарув тартиби, унинг ҳарбий санъатига доир фаолияти ҳозирги давримиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, Соҳибқирон қолдирган бой маънавий ва маданий мерос асрлар оша халқимизга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.**

**Амир Темур миллатимиз рамзи – миллий ғуруримиздир. Ўта муҳим ислоҳотлар Амир Темур давлатининг олий органи – қурултой орқали мувофиқлаштирилган. Соҳибқироннинг мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида кўрсатган фидойилиги, юртпарварлиги, унинг ниҳоятда зукко сиёсатчи эканлиги ўша даврнинг олиму фузалолари, саёҳатчилари томонидан эътироф этилган.**



Амир Темур давлатининг тузилиши, унинг шахсий хислатлари, ҳарбий стратегияси «Темур тузуклари»да батафсил баён қилинган.

«Темур тузуклари» 2 қисмдан ташкил топган. Биринчи қисмида Амир Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, қўшинларни ташкил этиш ва ички интизом, қўшиннинг жанговар ҳолати масалалари акс этган. Иккинчи қисмида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари баён қилинган.

Соҳибқирон зукко сиёсатчи ва йирик давлат арбоби сифатида ўз давлатининг тузилишини, уни қай тарзда бўлиши кераклигини, мансабдорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берган. Амир Темур ўз давлатининг таянчи бўлган мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий гуруҳларга суянган ҳолда иш олиб борган. Улар асосан аҳолининг 12 та қатламидан иборат бўлиб, унга қуйидагилар кирган: 1) Муҳаммад алайҳиссалом авлоди бўлмиш сайидлар, уламолар, шайхлар; 2) катта тажриба ва билим соҳиблари; 3) дуогўй тақводорлар; 4) амирлар, сарҳанглар, лашкар сипоҳсолари; 5) аскар ва халқ оммаси; 6) салтанат ишларини, унинг сиру асрорини билган, кенгаш қилишга муносиб оқил, маслаҳатгўй доно, ишончли кишилар; 7) вазирлар, котиблар, девон бошлиқлари; 8) табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; 9) муҳаддис ва муаррихлар; 10) тасаввуфчилар, орифлар; 11) ҳунармандлар ва санъат аҳли; 12) турли мамлакат ва ўлкалардан келган саёҳатчилар ва савдогарлар.

Амир Темур оддий халқ (раият)нинг аҳволидан доимо огоҳ бўлиб турган, бу эса ўз навбатида давлатнинг мустаҳкам, қудратли бўлишига имкон яратган.

«Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оғақаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиатидан, ҳар элнинг расми-одати, йўл-йўсинларидан воқиф бўлиб турдим, ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисидан улуғлари ва бузруклари билан ошно бўлдим ва уларнинг табиатига тўғри келган ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим... Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр ва зулм қилганини эшитсам, инсоф адолат билан дарҳол унинг чорасини кўрдим», дейди Амир Темур ўз тузукларида.

(Давоми 3-бетда).

# Германияда меҳнат муносабатлари

Ишчилар, хизматчилар яъни қисқача қилиб айтганда, ёлланма ишчилар ГФРда иш ўрнига эга бўлган қарийб 36 миллион кишининг 89,3 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, Германияда 3,5 миллион киши мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Улар иш берувчилардир. Мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган кишиларнинг қўлида ишлаётган шахсларнинг 311000 нафари уларнинг ўз оила аъзолари бўлса, қолганлари ёлланма ишчилардир. Акциядорлар уюшмалари, федерациялар, ўлкалар, жамоалар ва бошқа давлат муассасалари ҳам иш берувчи сифатида фаолият кўрсатадилар. Германияда тариф автономияси амал қилади: иш берувчилар ва ёлланма ишчилар касаба уюшмалари давлатнинг иштирокисиз коллектив шартномалар (тариф битимлари)ни тузиш ва имзолаш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат қонун чиқарувчи сифатида умумий шартларни белгилаб берса-да, аммо ишчи ёки хизматчи маълум ишлаб чиқариш тармоғида ойига қанча пул олиши лозимлигини қатъий белгилаб қўймайди. Ишчининг меҳнат таътили неча кундан иборат бўлиши хусусида келишиб олиш касаба уюшмалари ва иш берувчилар уюшмалари, яъни тариф шартномалари тузиш бўйича ҳамкорлар вазифасидир.



Энг катта касаба уюшмаси ГКУБ, яъни Германия касаба уюшмалари бирлашмасидир. Ўн битта касаба уюшма ташкилотини бирлаштирган ушбу ташкилотда 1999 йилнинг охирида тахминан 8.04 миллион аъзо бор эди. Металлургия ва металлни қайта ишлаш саноати ходимлари касаба уюшмаси, Давлат хизмати ва транспорт, тоғ саноати, химия ва энергетика, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаси ходимлари касаба уюшмалари, савдо-сотиқ, банклар ва суғурта хизмати ходимлари касаба уюшмалари, почта, темир йўллар ходимлари касаба уюшмалари, таълим-тарбия ҳамда фан соҳаси ходимлари касаба уюшмалари, озиқ-овқат саноати ва умумий овқатланиш шахобчалари ходимлари касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари, ёғочни қайта ишлаш ва синтетик материаллар саноати касаба уюшмалари, шунингдек, полиция органлари касаба уюшмалари ГКУБга бирлашган, ГКУБга бирлашган касаба уюшмалари учун тармоқ принципи характерлидир. Улар шахсни корхонада қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар иқтисоднинг конкрет тармоғида ишлаётганлигига қараб ўз сафларига қабул қиладилар. Масалан, босмахонада ишлаётган ҳайдовчи ҳам, ҳисобчи ҳам оммавий ахборот воситалари ходимлари касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин. ГКУБ билан бир қаторда Германия хизматчилари касаба уюшмаси (ГХКУ) ҳам мавжуд. Бу ташкилотга иқтисоднинг қайси соҳасида бўлмасин, аммо хизматчи лавозимида ишлаётган кишилар аъзо бўлишлари мумкин. 1,2 миллион аъзога эга бўлган Германия мансабдорлари касаба уюшмаси мансабдорларнинг энг муҳим ташкилоти ҳисобланади. Мансабдорларнинг ўзига хос ҳуқуқий мақомга эгалигига боғлиқ равишда бу ташкилот коллектив шартномалар тузиш борасида музокаралар олиб бормайди ҳамда иш ташлашлар ташкил этмайди. Унинг қолган барча жиҳатлари касаба уюшмаси жиҳатларига мос келади, шу боис сезиларли таъсир қувватига эга. Германия насронийлари касаба уюшмаси бирлашмаси 305000 аъзога эга.

Германия касаба уюшмалари сиёсий партияларга ва черковга қарам эмас.

Ҳеч ким касаба уюшмасига аъзо бўлишга мажбур қилинмайди. Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Германияда «closed shop» тизими мавжуд эмас, яъни фақат касаба уюшмасига аъзо бўлган шахсларни ишга оладиган биронта корхона йўқ. Ташкиллаштирилиш даражаси, яъни иқтисоднинг маълум тармоғида ишлаётган ёлланма ишчилар ўртасидаги касаба уюшмаси аъзолари сони ҳам турличадир, аммо ўртача олганда бу рақам 50 фоиздан камроқни ташкил этади. Касаба уюшмалари ихтиёрида ўз аъзолари учун кўплаб ўқув муассасалари мавжуддир.

Германияда иш берувчилар ҳам ҳудудий уюшмаларга бирлашган. Улар худди ГКУБ доирасидаги касаба уюшмалари сингари соҳавий принципга кўра бирлашган. Иш берувчилар уюшмаларининг бош ташкилоти Германия иш берувчилари уюшмаларининг федерал бирлашмасидир. (ГИБУФБ). Бу бирлашма ҳам худди ГКУБ сингари жамоавий шартномалар тузмайди. У мувофиқлаштирувчи орган сифатида фаолият кўрсатиб, ўз аъзоларининг асосий манфаатларини ҳимоя қилади. Иш берувчиларнинг ташкиллаштирилиш даражаси ёлланма ишчилар касаба уюшмасининг ташкиллаштирилиш даражасидан анча юқори, у тахминан 80 фоизини ташкил этади. ГИБУФБ иқтисоднинг барча соҳаларини қамраб олган: саноат, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, банклар ва суғурта компаниялари ҳамда транспорт шулар жумласидандир. ГИБУФБ тадбиркорларнинг вакили сифатида касаба уюшмалари билан ўтказиладиган музокаралар чоғидагина фаолият кўрсатади. Тадбиркорларнинг бошқа манфаатлари, айтайлик, иқтисодиёт ва солиқ сиёсати масалалари бошқа бирлашмаларда ҳал этилади. Бунга мисол қилиб, Германия саноати федерал бирлашмаси (ГСФБ), Германия ҳунармандлари федерал бирлашмаси (ГҲФБ) ва Германия кўтара ва ташқи савдо федерал бирлашмаси (ГКТСФБ)ни келтириш мумкин.

ГКУБ билан ГИБУФБ ёхуд алоҳида иш берувчилар ўртасида тузиладиган жамоавий шартномалар икки хилдир. Тариф сеткаси тўғрисидаги шартномалар ёрдамида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақлари тартибга солинади. Қоида бўйича улар қисқа муддатга тузилади.

Намунали жамоавий шартномалар қоида бўйича бир неча йилга тузилади. Улар билан асосан умумий масалалар, айтайлик, иш вақти, таътил муддати, ишдан бўшатиш тартиби, иш вақтидан ташқари бажарилган ишлар учун тўланадиган иш ҳақи ва шунга ўхшаш масалалар тартибга солинади.

Бундан ташқари, махсус жамоавий шартномалар ҳам мавжуд, улар ёрдамида алоҳида масалалар, яъни касб ўргатиш, қарилик бўйича қўшимча ижтимоий таъминот, ишлаб чиқаришни рационализация қилиш бўйича кўриладиган чоралардан ҳимоя масалалари тартибга солинади.

Жамоавий шартномаларнинг мазмун-моҳиятини белгилашда томонлар эркиндирлар, аммо шунга қарамасдан, улар ўз шартномаларида асосий қонун-қоидаларни ҳамда мажбурий статут ҳуқуқини назарда тутишлари лозим. Масалан, қонун билан белгиланган максимал иш вақти ҳафтасига 48 соатни ташкил этади. Амалда эса барча ёлланма ишчиларнинг шартнома бўйича максимал иш вақти ҳафтасига 40 соатни, баъзи корхоналарда эса 35 соатни ташкил этади. Таътил масаласида ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Қонунда белгилаб қўйилганидек, шартномада кўрсатиладиган таътил муддати одатда 30 иш кунини ташкил этади (6 ҳафта). Жамоавий шартномаларда таътил кунлари учун тўланадиган пул ва қўшимча равишда янги йил (Рождество) учун тўланадиган пул суммаси кўрсатилади. Амалда тўланадиган ойлик иш ҳақи ва бошқа тўловлар иқтисоднинг кўпгина тармоқларида тариф сеткасида кўрсатилган суммадан сезиларли равишда юқоридир.

Германияда фақат жамоавий шартномалар тузиш масалалари билан боғлиқ равишда иш ташлашлар ўтказишга рухсат этилган. Шу боис жамоавий шартномалар тузишда иштирок этаётган томонларгагина бундай курашлар олиб бориш ҳуқуқи берилган. Жамоавий шартномалар амалда бўлиб турган даврда эса томонлар тинчлик сақлашга бурчлидирлар. Бунинг маъноси шуки, бу даврда жамоавий шартномада белгилаб қўйилган масалалар бўйича иш ташлашлар ўтказишга йўл қўйилмайди. Иш ташлашларнинг олдини олиш мақсадида томонлар турли-туман ярашув процедураларини назарда тутадилар. Касаба уюшмалари низомларида иш ташлашни бошлаш масаласи бўйича барча аъзоларнинг яширин овоз бериши лозимлиги ёзиб қўйилган. Иш ташлашни бошлаш учун аъзоларнинг қарийб ҳаммаси овоз бериши керак. Касаба уюшмаларининг иш ташлашни уюштириш ҳуқуқига иш берувчилар локаутни қарши қўядилар. Локаут иш ташлаган ёки иш ташлайман, деб пўписа қилган ишчиларни ишхонага киритмай қўйиш деган маънони англатади. Меҳнат низолари бўйича федерал суд ҳамда Федерал конституциявий суд локаутни баъзи бир чеклашлар билан иш берувчилар ҳамда иш олувчилар ўртасидаги курашнинг йўл қўйса бўладиган воситаси сифатида тасдиқладилар. Аммо жамоатчиликнинг ушбу масалага муносабати ҳали ҳам баҳсталабдир. Иш шароитларини яхшилаш борасида олиб бориладиган бу курашга нисбатан давлат нейтрал, яъни бетараф позициядир. Шу сабабдан иш ташлаганларга ва ишдан четлаштирилганларга суғурта фондидан ишсизлик бўйича нафақа тўланмайди. Иш ташлаш пайтларида касаба уюшмаси аъзоларига иш ҳақини йўқотганлиги билан боғлиқ равишда касаба уюшмасининг иш ташлаш фондидан нафақа тўланиб туради. Бунда касаба уюшмаси аъзоси бўлмаганлар қуруқ қўл билан қолаверади. Иш ташлаш пайтларида улар ўзлари йиғиб қўйган пул ҳисобидан яшашга мажбур бўладилар ёки камбағаллик бўйича нафақа олиш учун илтимоснома ёзадилар.

Меҳнат низолари бўйича судларда меҳнатга оид турли муаммоларни кўриб чиқишда барча инстанцияларда иш берувчилар ва ишчилардан тузилган жамоатчилик судлари иш олиб боради. Ўз-ўзини бошқариш тизимида эса бошқарув ҳамда ижтимоий суғурта тизимидаги турли органлар вакилларидан тузиладиган кенгашларнинг тенг ярми иш берувчилардан, тенг ярми эса ишчилардан иборат бўлади. Улар, яъни ижтимоий суғурта тизими органлари ишчиларнинг ишсиз қолганда, касал бўлиб, ишга яроқсиз бўлиб қолганда, бахтсиз ҳодисага учраганда юзага келадиган муаммоларни ҳал этадилар.

Корхона кенгаши ёлланма ишчиларнинг манфаатларини иш берувчи олдида ҳимоя қилади, меҳнат жамоасидан тушаётган таклифларни ўрганиб чиқади ва уларни иш берувчиларга етказади. Кенгаш шу жумладан, корхона доирасидаги битимлар ва тузилган жамоавий шартномаларга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасидаги кўрсатмаларга ва қарорларга, ёлланма ишчилар тўғрисидаги амалдаги қонунларга риоя қилиниши устидан назорат олиб боради.

Иш берувчи биронта ишчини бўшатишдан олдин корхона кенгашининг фикрини тинглаши лозим, акс ҳолда ишчининг ишдан бўшатилиши ноқонуний ҳисобланади.

**Йўлдош ПАРДА тайёрлади**

# Амир Темур қадрияти — давлатчилик таянчи

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Маълумки, Амир Темур ўз навкарларидан 313 нафарини амирлик мансабига тайинлаган. Улар Амир Темурга ниҳоятда содиқ бўлишган, улардан ўнбоши, юзбоши, мингбоши мансабига 100 нафардан тайинланган, қолган 13 нафарига бекларбеги, амир ул-умаро мансаблари берилган.

«Темур тузуклари»дан маълум бўлишича, амирлик даражаси берилишида уларнинг тажрибаси, баҳодирлиги ва шижоати каби шахсий фазилатлари ҳисобга олинган.

«Тажрибамдан синаб билдимки, — дейди Амир Темур, — жангнинг сир-асрорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига раҳна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади». Нуфузли амирлар барлос, арғин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдус, туғдой, қипчоқ, орлот, тотор қабилаларидан ва тархон орасидан сайлаб олинган.

Амир Темур замонасининг энг машҳур ва йирик лашкарбошиси бўлган. Унинг ҳарбий истеъдоди, саркардалик маҳорати Олтин Ўрта хони Тўхтамишхон, Деҳли султони Маҳмуд ҳамда Туркия султони Йилдирим Боязид билан олиб борган шиддатли жангларида қўллаган стратегия ва жанг усулларида тўла намоён бўлди. Қўшинлар ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишган. Шу боис ҳам Амир Темур қўшини ўз даврида кучли ва моҳир армия ҳисобланган.

Амир Темур қўшини ўнлик, юзлик, минглик ва ўн мингликдан иборат бўлган ҳарбий бирикмалардан ташкил топган. Шуни айтиш керакки, Амир тузган интизомли армия, унинг ҳарбий санъати ҳозирда мустақил армиямизнинг қудратли бўлиши учун, жонажон Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаш учун муҳим тажриба бўлиб хизмат қилаётгани шубҳасиздир.

Амир Темурнинг ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги фаолиятини ўрганиш ҳам ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга моликдир. Айниқса, ҳозирда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган тубислоҳотлар жараёнида бу тарихий тажриба муҳим ўрин тутади. Хусусан, унинг давлат бошқаруви тизимидаги ҳуқуқ масалалари қуйидаги тартибда бўлган:

Шайхулислом — мусулмонларни ножўя ишлардан сақлаб борган.

Садрлар – улар сайидлар авлодидан бўлиб, исломга раҳнамолик қилишган.

Мутаваллийлар — вақф ерларини назорат қилганлар.

Мударрислар — диний масалалардан, шариат асосларидан, ҳадиси шарифдан сабоқ берганлар.

Мухтасиб — бозорлардаги нарх-наво ишларини текширувчи масъул шахс бўлган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Амир Темурнинг ислом динига муносабати ниҳоятда юқори бўлган. Шариат ишларини бошқариш, уни ташкил этиш шариат қозисига юклатилган.

Аскарлар орасида ҳуқуқий масалалар билан шуғулланувчи лашкар қозиси бўлган. Бу ҳозирги кун нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ҳарбий трибуналга тўғри келади. Бундан ташқари, фуқаро (раият) ишлари билан шуғулланувчи қозилар бўлган. Ўта муҳим дунёвий соҳаларни, давлатга тегишли фаолиятни Амир Темурнинг шахсан ўзи назорат қилган ва тегишли жазо ҳамда чораларни ўзи амалга оширган.

Бир сўз билан айтганда, Амир Темур барпо этган қудратли давлат, армия, ҳуқуқ-тартибот тизимини ўрганиш ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Соҳибқироннинг бетакрор қобилияти, унинг амалга оширган барча ишлари ҳаётимизнинг турли жабҳаларида муҳим тажриба бўлиб хизмат қилаверади. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Амир Темур қадрияти бизга демократик, ҳуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган ғояни рўёбга чиқариш учун керак. Янги жамият, янги ҳаёт, янги тафаккур, қолаверса, бутун давлатчилик асослари қайта тикланаётган бир пайтда Амир Темур ўзбек халқига тоғдай таянч бўлиб хизмат қилади, унинг олижаноб ишларига беқиёс сафарбарлик руҳи бахш этади».

**Ҳаким АЗИМОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчиси**

# Мўмай даромад дардида...

**Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган кўпгина фуқароларимиз қонун доирасидан четга чиқмай, бошлаган ишларини ҳалол, покиза давом эттиришаяпти. Бунинг натижасида катта-катта сармоя орттираяптилар. Меҳнатлари самарасидан ўзлари ҳам, элу юрт ҳам манфаатдор бўлмоқда.**

**Аммо яратилаётган бу қулайликлардан ўз манфаати йўлида фойдаланаётган кимсалар ҳам учраб турибди.**

**2004 йил 15 январда Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шундан сўнг бу борадаги амалга оширилаётган ишлар жонлантирилиб, тегишли идоралар томонидан кўплаб текширишлар ўтказилмоқда. Текширишлар самараси ўлароқ кўпгина ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйилди.**

**Биргина мисол. Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Раҳим Жўраев ҳам тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган. Муқаддам бир неча марта судланиб, ахлоқ тузатиш ишини ўтаётган бу фуқаронинг савдо-сотиқ билан шуғулланиши, шунинг орқасидан оиласи, қарамоғидаги икки нафар фарзанди таъминотини йўлга қўйиши айни муддао эди. Бироқ, у бу ишни қонуний амалга оширмай, жияни Ғуломали Ғуломов билан ўзаро тил бириктиради. Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмай, савдо ва воситачилик фаолиятини амалга оширишади. Ўзбекистон божхона назоратини четлаб ўтиб, чет элда ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон акциз маркаси бўлмаган тамаки ва спиртли маҳсулотларни олиб келиб, муомалага киритишади. Улар 2006 йилнинг сентябр ойи бошларида чет элда ишлаб чиқарилган 896 минг 500 сўмга сотиб олинган маҳсулотларни Бухоро шаҳридаги С.Муродов кўчасида жойлашган «Мини маркет» савдо дўконида сотишади. Р.Жўраев бу ноқонуний хатти-ҳаракатини яна бир неча марта такрорлайди. Бундай ишлар ортида фақатгина мўмай даромад орттириш тургани кундай равшан. Доно халқимизда шундай нақл бор: «Эчкига жон, қассобга мой қайғуси».**

**Ҳар иккала ҳуқуқбузарнинг қилмишлари ҳам қонун ҳимоячилари томонидан ўз вақтида фош этилди. Уларга нисбатан қонуний жазо белгиланди.**

**Қонун чиғириғидан ўтолмаган ноқонуний тадбиркорлар ўз қилмишларидан пушаймон бўлишди. Афсуски, буни улар кеч англашди.**

**Холмурод БАХРОНОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

**Тадбиркорлик тушунчаси мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаётимизда устуворлик касб этди. Ўша даврдаёқ режали социалистик иқтисод деган тушунчалардан буткул воз кечилди. Хусусий мулкчилик, тадбиркорлик фаолияти давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Ҳозирги кунда уни янада ривожлантиришга давлат аҳамиятидаги муҳим масала сифатида қаралаяпти. Бу йўналишда кўплаб зарур қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисоботларни топшириш тизимлари соддалаштирилди, солиқ юки йилдан-йилга камайтирилмоқда. Асосли бизнес лойиҳа учун кредит таъминоти муаммо бўлмай қолди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор учун барча йўллар очиқ. Шундай шароитда ҳам айрим юртдошларимизнинг ноқонуний иқтисодий фаолият билан шуғулланишга уринишлари ачинарлидир.**

# Ўз фойдасини кўзлаганлар

Урганч шаҳридаги «Мадад Фтем Сервис» МЧЖ 2005 йил июнь ойидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган. Жамият раҳбари Б.Бобожонов тадбиркорлик муайян қонун-қоидага асосланишини унутди шекилли, солиқ идораларига тақдим этган ҳисоботларида товар айланмасини 197 млн. 960 минг сўмга камайтириб кўрсатиб, 71 млн. 89,2 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлади.

Б.Бобожонов шу билан чекланиб қолгани йўқ. У сифат сертификати бўлмаган 336 млн. 634,6 минг сўмлик товарни пул ўтказиш йўли билан сотиб олади ва бозорда нақд пулга сотади. Савдо қоидаларини менсимаган «учар» тадбиркорнинг ноқонуний ҳаракатларига бошқарма ходимлари чек қўйди.

Янгибозорлик фермер Э.Норбоевнинг «ишбилармон»лиги мавжуд ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилганда унинг деҳқончиликдан бошқа «ҳунари» ҳам борлиги маълум бўлди. Фермер пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 45139 минг сўмлик қурилиш материалларини нақд пулга сотгану, назорат касса машинасидан ўтказмаган. Савдодан тушган пулни эса шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб келган. Бундан ташқари, солиқ идораларига топширилган ҳисоботларни сохталаштирган. Кейинги икки йиллик ҳисоботларда товар айланмаси 82 млн. сўмга камайтириб кўрсатилгани оқибатида 4 млн. 249,3 минг сўмлик солиқлар яшириб қолинади. Бу қилмишлари учун Э.Норбоевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Ўтказилган текширувларда айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида банк ходимларининг иштироки борлиги маълум бўлди. Ўтган йили банк масъул ходимларига нисбатан 12 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. Уларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятни унутиб, мансабларини суиистеъмол қилишлари айрим «учар» тадбиркорларга ҳам қўл келмоқда.

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағи биринчи галда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан мавжуд бўлган қарз учун ўтказиб берилиши шарт экани кўрсатилган. «Саноатқурилишбанк»нинг Хива туман бўлими бошқарувчиси М.Қутлибоев ва бош ҳисобчиси Х.Рўзимовлар йўриқнома талабларига зид равишда «Иззат» хусусий фирмаси раҳбари А.Алломов билан жиноий тил бириктириб, давлат манфаатларига катта миқдорда зиён етказишган. Фирманинг 6 млн. 180,6 минг сўм боқиманда қарзи бўлишига қарамай, ҳисоб рақамига келиб тушган 21,7 млн. сўм пулни товар сотиб олиш учун ўтказиб беришган. Оқибатда мажбурий тўловлар тўланмасдан қолган.

Миллий банкнинг Ҳазорасп туман филиалида 2001-2002 йилларда бошқарувчи вазифасида ишлаган О.Жуманиёзовнинг мансаб мавқеидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши оқибатида ўзгалар манфаатига катта миқдорда зарар етказилган. Ўзгалар ишончини суиистеъмол қилиш ҳадисини олган бошқарувчи мижозлар ҳисоб рақамидаги маблағларни уларнинг розилигисиз тасарруф этиб келган. Хусусан, «Сабо» жамоа корхонасининг 10,3 млн. сўмлик маблағи бошқа корхоналар ҳисобига ўтказилиб, талон-тарож қилинган.

Ўз манфаати йўлида ҳар қандай қинғирликдан қайтмаган О.Жуманиёзов қариндоши З.Маҳмудовнинг «Тагай» фирмасига кредит расмийлаштиради. Бу иш шу даражада тез ва силлиқ амалга оширилганки, бундан на кредит комиссияси ва на фирма мулкдори хабар топган. Барча зарур ҳужжатлар бошқарувчи томонидан қалбакилаштирилган. Шу тариқа тикувчилик цехи ташкил этиш учун ажратилган 7,5 миллион сўмлик кредит О.Жуманиёзовнинг шахсий эҳтиёжлари учун сарфланган. Эндиликда мансабини суиистеъмол қилган бошқарувчи қонун олдида жавоб беришга мажбур.

Ҳар қандай жиноий ҳаракат албатта, қонуний жазосини олади. Қонун асосида ишлаш, шундан манфаат топиш имкониятлари мавжуд бўлган шароитда яширин иқтисодий фаолият билан шуғулланишга уриниш, тўғри ва равон йўл турганида айланма сўқмоқларни излаш, охир-оқибатда эл-юрт олдида шарманда бўлиш шартмикан?

**Рустам СОБИРОВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи**

**Шу кунларда бутун дунё аҳли эътиборида турган Самарқанднинг 2750 йиллик тўйи муносабати билан шаҳарда уч босқичда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг иккинчи босқичи якунланди. Ушбу ишларнинг биринчи босқичи 2006 йил 18 октябрда Самарқанд кунида якунланиб, йигирмадан зиёд маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилган эди. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан яна ўттизга яқин маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди ва уларнинг тантанали очилиш маросимлари бўлиб ўтди.**

**Самарқанд шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Суҳробжон Рафиқов улуғ анжуманларга тайёргарлик кўлами, бунёдкорлик ишлари хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:**

# САМАРҚАНД БАЙРАМ ОҒУШИДА



— Ҳар бир халқнинг маданий даражаси аввало унинг ўтмишига, аждодларига бўлган муносабатида намоён бўлади. Ўз тарихини яхши билган, аждодлари номларини, руҳи покларини ҳар доим ёдга олиб келадиган халқнинг, миллатнинг бугуни ҳам, келажаги ҳам албатта чароғондир.

Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари уч босқичда олиб борилмоқда. Шоҳизинда тарихий мажмуаси атрофидаги хонадонлар тўла кўчирилиб, Бибихоним мадрасасигача бўлган майдон кўкаламзорлаштирилди ва сайёҳлар сайр қиладиган хиёбонга айлантирилди. Даҳбед кўчасида янги хусусий меҳмонхона қуриб битказилди. Наврўз байрами арафасида унинг иккинчи навбати ишга туширилди. Тадбир доирасида Амир Темур мақбараси мажмуаси ва Руҳобод тарихий ёдгорлиги атрофида жойлашган «Зарафшон» корхонаси кўчирилиб, ободонлаштирилди. Амир Темур ҳайкали ўрнатилган ҳудуддан то Регистонгача бўлган майдон ободонлаштирилиб, сайёҳлик йўналишига айлантирилди.

Университет хиёбони қайта таъмирдан чиқарилиб, йўлаклар ва дам олиш жойлари тартибга келтирилди. Самарқандда кичик айланма ҳалқа йўли қурилиши якунига етди. Ҳозир собиқ кўн-тери заводи ҳудудидан Улуғбек обсерваториясига чиқадиган янги йўл очилди, унинг ёнидан Оби Машҳад канали ўтказилди. Афросиёб очиқ осмон остидаги музейга айлантирилади ва сайёҳлик йўналиши очилади.

Самарқанд юбилейи муносабати билан шаҳар маънавият ва маърифат маркази томонидан таниқли олимлар, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар иштирокида маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида «Самарқанд — ер юзининг сайқали» мавзусида мулоқот ва бадиий кечалар ташкил этилаяпти. Умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртларида кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Ҳозирда Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш, янгидан-янги иш ўринлари очиш, тарихий обидаларни таъмирлаш ва замонавий инфратузилмани яратишга катта эътибор берилиб, «Тошбошлойиҳа» ЛИТИ томонидан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг учта босқичдан иборат 2025 йилгача бўлган режаси тузилди ва шу асосда бунёдкорлик ишлари олиб борилияпти.

Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи, шаҳарнинг бош майдони Регистон, Шоҳизинда мажмуаси, ҳазрати Хизир масжид хиёбони таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шу билан бирга ирригация шахобчалари янгиланди. Университет хиёбонига тошдан ясалган ҳайкалтарошлик намуналари қўйилди. Хиёбоннинг ҳар икки томонида фавворалар барпо этилди.

Ҳар бир тарихий шаҳарнинг ўз рамзи бўлганидек, қадим Самарқанднинг ҳам рамзи азал-азалдан она шер ва қуёш тасвири бўлган. Соҳибқирон Амир Темур давригача, ундан кейин ҳам шаҳар рамзи шер ва қуёш бўлганлигини тасдиқлайдиган, инкор қилиб бўлмайдиган манбаалар бор. Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланган даврда ҳам унинг рамзи шер ва қуёш бўлди. Шунинг учун шер ва қуёш Самарқанднинг 2750 йиллик тўйига эмблема қилиб олинди.

Шаҳар аҳолисини ташвишга солиб келаётган транспорт масаласи ҳам ҳал қилинди. Яқин кунларда 150 та автобус аҳоли хизматига чиқарилади. Мустақиллик байрами арафасида яна 100 дона автобус хизматга қўйилади. Юбилейгача тўртта супермаркет ва гипермаркетлар, 850 ўринли концерт зали, Самарқанд санъат коллежининг янги биноси, янги «Бахт уйи» ва катта стадион қурилади. Шаҳар прокуратураси рўпарасидаги эски болалар боғчаси ўрнида болалар поликлиникаси — диагностика маркази қад ростлайди.

Шаҳарда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Жаҳон банки билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар биринчи ярим йиллик якунида тугалланиб, Самарқанд шаҳри доимий ичимлик суви билан таъминланадиган бўлади. Шаҳарда учта катта йўл қурилиши ҳам яқин орада охирига етказилади. Бу ишлар Шоҳизинда, Афросиёб музей қалъаси ва Самарқанд кичик ҳалқа йўлининг жанубий қисмида давом этаяпти. Шаҳар кўчаларига бу йил 50 минг туп манзарали дарахт кўчатлари экилди. Марказий кўчалардаги, вилоятдаги барча корхона ва ташкилотларнинг ташқи томонлари тўлиқ таъмирдан чиқарилмоқда. Самарқанд шаҳрининг кечаларини кундуздагидай чароғон қилиш мақсадида алоҳида дастур асосида иш олиб борилаяпти.

«Боқий шаҳарлар» тўйининг ЮНЕСКО ҳамкорлигида халқаро даражада ўтказилиши ҳар бир ватандошимизга катта масъулият юклайди. Қутлуғ тўй муносабати билан Самарқанднинг қадимий тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортмоқда.

Юртбошимиз таъбирига кўра, бугунги ҳаётимизнинг кўзга ташланаётган муҳим аломатлари ва моҳияти аввало халқимизнинг ички дунёси, онгу тафаккури тубдан янгиланиб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ортиб бораётганида намоён бўлмоқда. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик туфайли миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ошмоқда.

Бу йил Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи билан бир қаторда олтинчи бор «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. Бу нуфузли халқаро анжуманларнинг асосий мақсади — халқларни тинчлик, гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этишдан, дунё халқларининг урф-одатларини, тарихий обидаларини, мусиқа меросини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, турли миллат ва элатларни бир-бирига янада яқинлаштиришдан иборат.

**Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Исматулло ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади**

**Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа қатор нуфузли халқаро ташкилотлар аъзоси бўлиб, инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаган. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бунда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.**
**Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги демократлаштириш ҳамда тубдан янгиланиш жараёнлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгаришлар юз берди.**

# Инсонпарварлик намунаси

Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви шунчаки қонун талабларининг юмшатилиши эмас, аксинча, қонунларнинг инсонийлик ва демократик асосларининг мустаҳкамланишидир. Энг муҳими, либераллаштириш ўлим жазосини қўллашдек масалани ҳам четлаб ўтмади.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида ўлим жазосини бекор қилиш бўйича олдиндан белгиланган йўналишга яна бир карра урғу бериб, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида фикр билдирди.

Шу боис, Фармоннинг чиқарилиши, давлатимизнинг асл демократия сари босган яна бир дадил қадами десак муболаға бўлмайди. Юридик нуқтаи назардан ҳам ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон ҳуқуқлари, айниқса табиий ҳуқуқ бўлмиш яшаш ҳуқуқини амалда таъминлашнинг кафолатларини кучайтиради. Суд хатоси туфайли бегуноҳ инсонни ўлим жазосига маҳкум қилиш ёки жиноят ҳолатлари ва жиноятчининг шахсига субъектив ва нохолисона баҳо бериш натижасида оғирроқ жазо, яъни ўлим жазосини тайинлаш хавфи бартараф этилади. Бундан ташқари Жиноят кодексида бундай жазонинг мавжудлиги жиноятларнинг камайишига деярли таъсир кўрсатмайди. Кейинги йилларда оғир, ўта оғир, айниқса, одам ўлдириш жиноятлари сезиларли даражада камайганлигини таъкидлаш жоиз. Шу нуқтаи назардан ўлим жазосининг бекор қилиниши амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим аҳамият касб этадиган босқичи сифатида баҳоланиши лозим.

Мазкур Фармонга кўра умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Республика ҳарбий суди томонидан тайинланиши белгиланган.

Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, номлари қайд этилган судларда янада малакалироқ ҳамда тажрибалироқ судьялар фаолият кўрсатиши амалдаги қонунчилик бўйича ўлим жазоси кўзда тутилган жиноят ишларини кўриш жараёнида адолатсиз ҳукм чиқариш эҳтимолини бир мунча камайтиради.

Бу ўз навбатида, тергов органлари ва прокурорлар томонидан бундай жазолар тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига, жиноят изларини аниқлашга, ашёвий далилларни қонунда белгиланган тартибда қайд этилиши ва расмийлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилишини;

— жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда техника воситалари ва суд экспертизалари имкониятларидан самарали фойдаланишни, жиноят-процессуал қонунчилик талаблари асосида далиллар тўплаш, уларни мустаҳкамлаш ва баҳолашнинг барча усуллари қўлланилишини;

— судларда катта тажрибага эга бўлган давлат айбловчиларининг иштироки таъминланиб, судга адолатли ҳукм чиқаришда ёрдам кўрсатилишини тақозо этади.

Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоларига ҳукм қилинган шахсларни сақлаш, шунингдек, ҳукм қилинганларни қўриқлаш ва уларнинг устидан назорат олиб бориш тартиби ва шартларини белгиловчи идоравий-норматив базани ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Шу ўринда жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонунчилигига киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришларни пухта ишлаб чиқиш энг муҳим вазифа саналишини, ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, бу соҳада катта тажрибага эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонунчилигини чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Бу масаланинг қанчалар долзарб, масъулиятли ва муҳим аҳамиятга эга эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишида ҳам яққол кўзга ташланади.

Фармойишнинг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив ҳуқуқий-ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг якунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборатдир.

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**
**юридик фанлари доктори**

# Умр инсонга бир маротаба берилади

**Мустақиллик шарофатидан халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди. Республикамиз Конституциясида таъкидланганидек, юртимизда яшаётган барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавкеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидалари асосида инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйганмиз.**

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири жиноий жазоларнинг либераллаштирилишидир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга суд томонидан жазо белгилаш жараёнида адолат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилинаяпти. Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида 2005 йил август ойининг бошида Президентимиз томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлар юртимизда инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати олий даражага кўтарилганлигидан далолатдир.

Дарҳақиқат, умр инсонга бир марта берилади. Уни тортиб олишга, инсонни жисмонан йўқ қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу жиҳатдан олиб қаралганда ҳам Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони инсоннинг яшаш ҳуқуқини эътироф этувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига ва меъёрларига тўлиқ мос келади. Шунингдек, ушбу Фармон Конституциямиз қоидаларидан келиб чиққан ҳолда жазоларни янада либераллаштириш чораларини амалга оширишда ҳам алоҳида ажралиб туради.

Ушбу Фармонга биноан 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинади. Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу йиллар ичида ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган зарур қонун ҳужжатларини тайёрлаш, ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган иншоотлар қуриш, уларни молиялаштириш ва ҳоказо ишларни амалга ошириш зарур бўлади.

Бундан ташқари, юртбошимиз ҳар доим бирор масала юзасидан қарор қабул қилишда шошма-шошарликка йўл қўймасликни, унинг охир-оқибатини ўйлаб иш қилиш кераклигини таъкидлаб келган. Шу боисдан ҳам, ҳуқуқий демократик давлат сари дадил қадам ташланаётган мамлакатимизда бу борадаги ишлар аниқ ва пухта режа асосида, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда олиб борилмоқда.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аввало, конституциявий қоидаларни ҳаётга татбиқ этишни англатса, иккинчидан, инсон ҳаётининг олий қадрият эканлигини яна бир бор тасдиқлайди, шунингдек, бу жараён жаҳон ҳамжамиятидаги тамойилларга тўла мос келади.

**Райҳон ЮСУПОВА,**
**Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ИНСОН ҲАЁТИ — ОЛИЙ НЕЪМАТ

«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов олиб бораётган халқчил сиёсатнинг изчил давомидир.

1985 йилдан кейин халқаро ҳамжамиятнинг эътибори мамлакатлар қонунчилигида ўлим жазосини бекор қилиш масаласига қаратилди. Лекин улар жазоларни эркинлаштириш, енгиллаштириш ҳақида гапирмасдан, фақат ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида сўз юритдилар. Шундан сўнг, кўпгина мамлакатлар бу жазони ўз қонунчилигидан олиб ташлади. Хўш, улар бу жазони нима учун олиб ташлашди, бундан асосий мақсад нима эди? Биринчи мақсад, халқаро ташкилотларга қўшилиш, аъзо бўлиш, уларга яхши кўриниш эди. Иккинчидан, имтиёзлар олишни кўзда тутиб, сохта обрў орттириш учун бу жазони кўр-кўрона олиб ташлаган мамлакатлар ҳам бўлди. Ваҳоланки, у ердаги халқ, жамоатчилик мамлакатдаги жиноятчиликнинг аҳволи бунга тайёр эмас эди.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари бу масалаларда донолик билан фикр юритди. Дастлаб, ўлим жазоси тайинланадиган жиноят тури камайтирилди. Босқичма-босқич бунга тайёргарлик ишлари олиб борилди. Собиқ шўролар даврида республикамиз Жиноят кодексида 33 та моддада ўлим жазоси назарда тутилган бўлиб, улар орасида оғир жиноятлар билан бир қаторда давлат мулкини талон-тарож қилганлик учун ҳам ўлим жазоси белгиланган эди. 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Жиноят кодекси қабул қилинганидаёқ ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятлар сони кескин камайтирилди. Мамлакатимизда жиноий жазо тизимини либераллаштириш ўша вақтдан бошланиб, бу жараён ҳозирги пайтда босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

2003 йили жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилганидан сўнг, фақат икки турдаги жиноят — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутиладиган бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида ҳам суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, эришилган ютуқлар, мавжуд муаммоларга атрофлича тўхталиб, жумладан, «Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир», — деган эди. Биз юқорида қайд этиб ўтган ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармон бу сўзларнинг ҳаётга татбиқ этилишида муҳим аҳамиятга молик далил қадам бўлди.

Қуръони каримда таъкидланишича, ҳаётни бериш ҳам, олиш ҳам Аллоҳнинг инъомидир. Шундай экан, ҳеч қанақа давлат идораси инсоннинг ҳаётини ўз ҳукми билан олиши мумкин эмас. Демак, Фармон бизнинг миллий урф-одатларимиз, диний анъаналаримизга ҳам жуда мос келади.

Тажрибадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, судьялар ҳам хато қилишади. Ишни апелляция, кассация тартибида кўриб чиқиб, унинг йўл қўйган хатосини юқори суд органлари тўғрилаши мумкин. Лекин ҳукм ижро этилса, уни тўғрилаб, қайтариб бўлмайди. Демак, бу Фармон жамиятда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга, адолатни қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшади.

Агар Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишдан асосий мақсад унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини, нуфузини ошириш бўлганида, бу ишни эртароқ сунъий равишда амалга ошириш ҳам мумкин эди. Асосий мақсад эса Конституциямизда белгиланган инсоннинг ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи дахлсизлигини мустаҳкамлашдир. Бундан ташқари, Конституциямизда таъкидланганидек, инсон ҳаётига тажовуз қилиш оғир жиноятдир.

**Илларион КИМ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма терговчиси**

# Ислоҳотлар эзгу мақсадлар учун

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонига биноан 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан мамлакатимизда ўлим жазоси жазо тури сифатида қонунчиликдан буткул чиқариб ташланади.

Шу боис мазкур тарихий Фармон юртимизда ўта муҳим воқеа бўлди. Кенг жамоатчилик бу борада ўзаро фикрлашди, баҳс-мунозарага киришди. Бу мавзуда ҳар ким ҳар хил фикрларни айтгани ва айтиши табиий. Булар орасида Фармоннинг аҳамиятини тўла англаб етмаганлар ҳам йўқ эмас. Негаки, мазкур масала ҳозирги кунда бутун дунёда кенг миқёсда муҳокама қилинмоқда. Жабрланувчининг манфаатини ёқловчилар ҳам бор. Шуни айтиш мумкинки, жабрланувчининг манфаати жиноятчиникига нисбатан устун туради. Аммо бу жабрланувчининг манфаатини кимнингдир ўлими билан ҳимоя қилиш дегани эмас.

Президент Фармонида ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаш назарда тутилган. Бу инсон ҳаёти ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият сифатида қонун асосида кафолатланганининг амалий исботи, қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янги босқичга кирганининг далолатидир.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган Фармони инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришда навбатдаги дадил қадам бўлди. Унинг аҳамиятини ҳар бир юртдошимиз тушуниши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Баҳромжон ЮЛДАШЕВ,**
**Наманган шаҳар прокурори**

# ИБЛИСЛАР ОВИ

Валижон(исмлар ўзгартирилган) терговгуруҳидаги ходимларни Қўқон шаҳрининг Ғалаба кўчасидаги 2-уйга бошлади. Кимсасиз ҳовлида етмиш олти яшар кекса одамнинг ортидан пусиб келиб, бўйнига арқон ташлаб бўғиб ўлдирган, чуқур қазиб кўмиб қўйган жойларини кўрсатди. Сўнгра «Олтин водий» тор кўчасидаги 18-уйга бошлаб борди. Чала битган уйнинг ертўласидан яна бир қурбоннинг ҳали бутунлай бузилиб улгурмаган жасадини қазиб олишди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам битта гапни такрорлади: «Маъруф ака ўлдириб кўмган»...

Суд жараёнида Маъруф қисман бўлса-да, айбни ўзидан соқит этиш учун ҳар иккала ҳолда ҳам марҳумларга қўл теккизмаганини таъкидлади. Қотил ёллаганини инкор этди. Гўё, Вали уни йўлдан урган. Бойвачча одамларни топиб, бир ёқлик қилиб, пулларини бўлиб олишни таклиф қилган...

Унинг қачон, қай йўсинда нафсини қондириш учун одам овлайдиган иблисга айлангани суд жараёнида бирин-кетин аниқланди. Туришидан мўмин-қобил кўринар, тилидан бол томарди. Жони узилган етмиш олти яшар қариянинг боши устида «Ҳожи ака дорулбақога рихлат қилдилар», дея юзига фотиҳа тортган «мўмин» ўша заҳоти ўлаксахўр каби марҳумнинг чўнтакларини ағдарди, пулларини олиб бемалол санади.

Маъруфжон йигирма уч йил аввал, жиноятга қўл уриб судланганди. Жазони ўтаб келганидан кейин зоҳиран мўмин-қобилу, ботинан иблис боласига айланди. Вужудига ўрнашиб олган ботиний иблис улғайиб, бир куни ўзини намоён этиши муқаррар эди. Тилидан бол томадиган, қўли кўксида, савоб йўлида хизматга шай савдогар йигит ҳар қандай одамнинг ишончини қозонишдай ноёб «хислат» орттирди. Каттаю кичикни бирдай «ака-ака» деб (ўзидан икки ёш кичкина Валини ҳам ака дея атайди) кўнглини овлади. Етмиш ёшдан ўтган Юсуф ака Маъруфжонни хушфеъл, хушхулқ йигитлардан деб билар, унга ўзига ишонгандай ишонарди. Тилло сувли ёзувда битилган ноёб, муқаддас Қуръони карим китобини зарурат туфайли бир оғайнисига сотмоқчи эканлигини айтганида, Маъруф харидор топиб берди.

Ишонган одамига насияга бўлсада, бериб юборди. Ҳозирча ола туринг, деб Маъруфга ярим пулини тутқазди. Шунда чолнинг бели бақувватлигига ишонч ҳосил қилган даллолнинг дилида иблис бош кўтарди. Ҳар кўришганларида турмушидан нолиб, биронта «иш» қилайлик, дейдиган оғайниси Валини эслади. Назарида у ҳеч нарсадан қайтмайдиган даражада тобига етганди. Юсуфжон ҳожи Маъруфжон билан бир пиёла чой устида гаплашиб ўтириб, «Тошкентда ошланган терининг бозори чаққон эмиш» деди. «Таниш йигитлар минг дона топиб беринг, дейишяпти-ю, бунақа улгуржи мол йўқ».

—Терифуруш таниш болалардан суриштириб кўрайми, ҳожи ака?

— Донасини ўн беш долларгача гаплашиш керак. Бундан ортиғи қиммат.

Уч-тўрт кун ўтгач, Маъруфжон Юсуф акани уйига излаб борди.

— Гаплашдим, — деди қарияга. —Бироқ пулини олдиндан тўлайсиз, дейишяпти. Насияга бериб куйганмиз, деб оёқларини тираб олишяпти.

— Ишончли йигитлармиди ахир?

—Беш вақт намозни канда қилишмайди, ҳожи ака.

— Хўп, ман пулини тайёрлаб қўйганман. Ўн уч ярим минг бор. Шунга кўндириш керак...

Юсуф ака тери олгани келган тошкентлик савдогарларни бир танишининг этаждаги уйига жойлади.

— Худо хоҳласа, эртага юклаб кетасизлар, — деди.

Маъруфжон эса қариядан пулни олиб, Валининг қўйнига қўл солди.

— Битта қаллоб одам бор. Нечтасини алдаб куйдирган. Шуни бир ёқлик қилиш керак. Беш миллион сўм бераман.

— Бўпти...

Юсуф аканинг бева қизи отасининг уйига кўчиб ўтган, Маъруфжон қариядан ишни битказиш учун қизининг чала битган ҳовлисининг калитини сўраб олганди. Валини ўша Қўқон шаҳар Ғалаба кўчасидаги уйга бошлаб борди.



— Чол манави узукни олгани келади. Узукни манави баллон орасига яшириб қўйганман, деб айтаман. У оламан деб энгашганида ортидан бўйнига сиртмоқ солиб тортасиз...

Шундан сўнг машқ қилишди.

— Сиз кечки пайт қизингизни уйида бизни кутиб оласиз, — деди Маъруф Юсуф акага. — Ўшатта юзма-юз гаплашамиз.

Қоронғуда девор остидаги йўлакдан бораётиб, баллон олдига келганида пайт пойлаб ўтирган Вали унинг ортидан бўйнига ип ташлаб бўғди. Жуссаси кичкина, кекса одам қаршилик кўрсатишдан ожиз эди. Чолнинг жони узилганида Маъруф кириб келди. «Ҳожи ака дорулбақога рихлат қилдилар», деб юзига фотиҳа тортди. Чўнтакларини кавлади. Кетмон олиб ҳовлидаги чуқурдан хазонларни тортиб чиқарди. Иккаласи мурдани чуқурга ташлаб устидан тупроқ тортишди...

* * *

Юсуф ака 2004 йил 6 декабрь куни уйидан чиқиб кетганича қайтиб келмади. Икки кун ўтиб тошкентлик Раҳматилло ака деган одам уни сўроқлаб уйига борди.

— Тери савдосини гаплашгандик. Ўн беш минг доллар бергандик.

— Ўша куни Тошкентга кетяпман, деб чиқиб кетган дадам.

Юсуф аканинг ўғли хавотирланиб, сўнгги пайтда кўпроқ бирга гаплашиб юрган Маъруф акага учрашди.

— Тожикистонга кетяпман, деган эдилар менга... — Маъруф ҳеч нарсадан хабари йўқдай тутди ўзини.

Чолнинг ўғли яна бир ҳафта ўтганидан кейин ИИБга мурожаат этди. Қидирув бошланди. Маъруфни ҳам сўроқ қилишди. Бироқ у сўнгги бор кўришганида Ленинободга бормоқчилигини айтган эди, дея ўзига гард юқтирмади. Ундан шубҳаланишга асос бўла оладиган биронбир далил йўқ эди. Юсуф ака у каби қанча одамлар билан шунчаки ва иш юзасидан мулоқотда бўлиб келган. На уйидагиларга, на харидорларга Маъруфжон билан тери савдосини гаплашганини айтмаган эди.

Маъруфнинг хавотирли кунлари ортда қолди. Юсуф акани алдаб олган 13,5 минг доллардан 4700 долларини, «ҳозирги курсда 5 миллион сўм бўлади», деб ўзи ёллаган қотил — Валига тўлаган эди. Қолган пулга орадан икки ой ўтиб, 2005 йил февраль ойи охирида эскирган бўлса ҳам битта «Тико» сотиб олди. Айшишратга берилди.

Маъруф бувайдалик Абдулҳай ака билан савдо-сотиқ орқали танишган, унинг ишончини қозонган эди. Йирик савдогар қадимий тангаларга ишқибозлигини билди-ю, ҳаловати йўқолди. Калласида яна бир иблисона режа туғилди. 2006 йил май ойининг ўрталарида Абдулҳай аканинг қўйнига қўл солди.

— Битта коллекционерга пул жуда зарур бўлиб қолибди. Харидор топсангиз, подшо замонидан қолган ноёб тангаларимни сотардим, деяпти. «Кўки»га эллик минглик тангаларни йигирма мингга сотишга кўндирдим.

— Ёнимда бунча пул йўғиди. Танишлардан қарз сўраб оламан, — Абдулҳай ака унинг қармоғига лаққа илинди.

— Тағин бировга сотиб юбормасин...

У «закалат»га деб Маъруфжонга 1000 доллар бериб қўйди. Сўнгра ўғлидан 9000 минг доллар олди. Яна ўн минг топиши керак эди. Ўн беш йиллик қадрдонлари, ишонган оғайнилари Абдуҳамид ва Муҳсинжонларга учрашди.

— Антиквар тилло танга гаплашиб қўйдим. Минг доллар закалат бердим. Тўққиз минг бор. Ўн минг етмаяпти. Қарз бериб туринглар...

Иккаласи беш минг доллардан беришди. Абдулҳай ака Маъруфжон билан чойхонада кўришди.

— Пул нақд. Олиб боринг ошнангизни олдига.

— Ака, эртага бехавотир бир уйда юзлаштириб қўяман.

Маъруф қармоқ ташлаб юрган яна бир таниши — Ҳамид аканинг уйига борди.

— Ўғлингизга келин топиб қўйдим ака. Тагли-тугли...

— Намоз вақти бўп қопти... — Ҳамид ака масжидга чиқиб кетганида Маъруф излаган нарсасини, хонадон соҳибининг «Олтин водий» кўчасидаги ҳеч ким яшамайдиган ҳовлисининг калитини топиб чўнтагига солди-ю, Валини излаб кетди.

— Яна битта иш қиламиз. Эвазига беш минг доллар бераман. Ҳозир уйни бориб кўрамиз... — Валига ёвуз ниятини маълум қилди.

Одам овини касб қилиб олган иблислар кимсасиз ҳовлига бориб, худди ўтган сафаргидай, ёвуз режаларини ипидан-игнасигача келишиб, яна «машқ» қилиб олишди.

Абдулҳай ака Абдуҳамид билан Муҳсинжонга «бугун иш битмади, эртага қолди» деб омонатни, ўн минг долларни қайтариб берган эди. Келаси 30 май куни улардан яна пулни олиб кетаётиб, худди кўнгли сезгандай, «если что, Маъруф билан иш қиляпмиз», деди.

Маъруф 2006 йил 30 май куни кундузи соат ўнларда Абдулҳай акани «Олтин водий» кўчасидаги кимсасиз ҳовлига олиб келди. Хонага кириб ўтиришди. Абдулҳай ака фотиҳа ўқиб бўлган заҳоти ортидан пусиб келган Вали тўсатдан бўйнига сиртмоқ солиб тортди. Бироқ эллик ёшлардаги бу галги қурбони бақувват эди. Маъруф шартта унинг оёқларини босди. «Қаттиқроқ тортинг, тортсангиз-чи!». Бўғилиб ўлганига ишонч ҳосил қилгач, жасадни қопга солиб, ертўлага кўтариб тушишди. Белкурак, кетмонда чуқур қазиб кўмиб ташлашди. Шу пайт Маъруф ўн тўққиз минг долларга қўшиб, Абдулҳай аканинг чўнтагидан олган қўл телефони жиринглади. Қотил жавоб бермади. Ёллаган шериги Валига 4750 доллар санаб берди.

— Беш мингга келишгандик шекилли...

— Эсиздан чиқибди-да, икки юз эллик доллар қарз олганиз. Манави телефони ҳам сизга...

Маъруф ўзининг машинасига чиқди. Абдулҳай аканинг «Тико»сига Вали ва унинг кўчада соқчилик қилиб турган акаси Абдусалом ўтирди. Ўлжа «Тико»ни Бешариқ туманига қараб ҳайдашди. Чегарага, божхона постига беш юз метрча берироқда тўхтаб машинани қолдиришди. Бу Маъруфнинг режасига кўра, гўё Абдулҳай ака машинасини шу ерда қолдирганy, ўзи Тожикистонга иш билан ўтиб кетганини тасдиқловчи «далил» эди. Машинанинг ҳужжатларини қайтаётиб, йўлда ташлаб юборишди.

Ўша куни Муҳсинжон ва Абдулҳамид Абдулҳай аканинг қўл телефонига бир неча марта қўнғироқ қилишди. Соат ўн бирларда яна чақиришганида кимдир телефонни олдию, гапирмади. Иш билан банддирда, деган хаёлга боришди. Кечгача яна бир неча бор телефони жавоб бермаганидан кейин хавотирга тушишди. Кечқурун уйига боришса, келмабди. Ярим тунда, соат ўн бир яримларда Муҳсинжон Абдуҳамиднинг укаси Абдувосит билан Маъруфжоннинг эшигини тақиллатишди.

— Абдулҳай ака билан эрталаб кўришдик, кейин қаёққадир кетди, — деди у.

Эртаси куни Муҳсинжон Абдулҳай аканинг ўғли Абдуваҳоб, укаси Абдуғаффор уччаласи Маъруфни топишди.

— Сиз билан иш қилаётгани, сизнинг олдингизга кетаётганини айтган, — деди Муҳсинжон. — Топиб бермасангиз, мелисага учраймиз!

— Бешариққа бориб излаб кўрайчи, — деди Маъруф.

Соат тўртларда «Абдулҳай аканинг «Тико»си Андархон божхона пости ёнида экан» деб хабар қилди.

Постдан беш юз метрча берироқда, қабристон ёнида «Тико» турган эди. Техпаспорт, ҳужжатлари йўқ. Улар қайтишаётганида Абдулҳай аканинг ўғли Абдуваҳоб дадасининг қўл телефонига яна қўнғироқ қилди. Ниҳоят телефон жавоб берди-ю...

— Эллик минг доллар бермасанг, уни ўлдираман, — деди нотаниш овоз.

Улар яна Маъруфга учрашганларида бу гапни айтишмади. У «Тожикистонга бормоқчиман, деганди. Конибодомдан суриштириб кўраман», деб йўлга тушди. Шу кетганича қайтиб қорасини кўрсатмади. Кўп ўтмай, «буюртмачи» ва ёлланган қотил ҳибсга олинди.

Суд жараёнида Қўқон шаҳрида яшаган Маъруф Алимов ҳамда ўзи каби муқаддам судланиб, жазони ўтаб келган Валининг айби тўлиқ исботини топди. Суд уларни тегишли жазога ҳукм қилди.

**М.МИРЗАЖОНОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси.**
**Х.ТУРҒУНБОЕВ,**
**Фарғона вилоят прокурорининг ёрдамчиси**

Нидиқ

# ИЧКИЛИКБОЗЛИК БОШИГА ЕТДИ

**Муборак ҳадисларда «Жаннат оналар оёғи остидадир», дейилган. Наслимизни давом қилдирувчилар ҳам, оиламизнинг чироғи-кўрки ҳам улар. Асрлар давомида шоирларимиз томонидан энг гўзал иборалар билан таърифланиб, гулга қиёсланган аёлларни бугунги кунда янада улуғлаш учун сўз тополмаганимиздек, оналик шаънига доғ туширган, аёл зотига номуносиб иш қилган баъзи аёллар ҳақида бирон сўз айтиш, уларнинг қилмиши хусусида фикр юритиш ҳам анча мушкул.**

**Таассуфки, Урганч шаҳридаги хонадонлардан бирида юз берган қотиллик ҳам таърифлашга тил ожиз бўлган аёл томонидан содир қилинган.**

**Асли Россияда туғилган Марина (исмлар ўзгартирилган) серқуёш юртимизни ўзига ватан қилиб, Урганчда кўним топди. Бундан йигирма тўрт йил бурун ўзи тенги йигитга турмушга чиқиб, бахтли яшай бошлади. Аввал қиз, кейин эса кетма-кет туғилган иккита ўғил уларнинг қувончига-қувонч қўшди. Аммо йиллар ўтган сайин эрнинг ичкиликбозликка ружу қўйганлиги боис улар орасидаги муносабатлар тобора совуқлашиб, меҳр-оқибат буткул йўқолди. Улар алоҳида-алоҳида яшай бошладилар. Аммо бу билан вазият ўзгармади. Эр яна ичиб келиб жанжал чиқарар, бўй етган қиз бунга чидамай уйдан чиқиб кетар, иккала ўғил эса калтақдан қочиб, кўрқа-писа пана-пастқамдан ўзларига паноҳ топарди. Бу ҳол деярли кун ора такрорланарди.**

**Шаҳардаги мактаблардан бирига фаррошлик қилиб учта фарзандини боқаётган Марина тишини-тишига қўйиб, бунга чидарди. У гарчи жанжалсиз ўтмаса-да, байрамларни, оила аъзоларининг туғилган кунларини баҳоли қудрат нишонлаб, кайфиятини кўтаришга уринарди.**

**Марина ўша куни ишдан қайтаётиб, мактабда ишлайдиган танишини Шокирни учратиб қолди. Унга тез кунда катта ўғлининг туғилган куни бўлишини, шунга харажат қилмоқчи эканлигини айтиб, дўконга кирди. Шокир эса буни биргаликда нишонлаймиз деди-да, у билан бирга кетди. Уйда меҳмонни яхши кутиб олиб, анчагача улфатлашиб ўтирдилар.**

**Маринанинг эри Сергей меҳмонни кузатиб қўйиш мақсадида кўчага чиқди. Орадан бир оз вақт ўтгач эса қўлида икки шиша пиво билан қайтиб келди. Эр-хотин биргаликда яна базмни давом эттиришди. Бироқ бу тотувлик узоққа чўзилмади. Маст бўлиб қолган Сергей яна эски қилиғини бошлаб, хотинини сўка бошлади. Шу вақтгача сўкиш-у, хўрлашларга чидаб келган Марина бу сафар ўзини тўхтатиб тура олмади. У ҳам оғзига келган ёмон сўзлар билан эрини ҳақоратлай бошлайди. Хотинидан буни кутмаган эр унга мушт туширди.**

**Нариги хонада телевизор кўриб ўтирган қизи шовқинни эшитгач, уларнинг ёнига келиб, ота-онасини тартибга чақира бошлади. Бироқ отаси ҳам, онаси ҳам унинг гапини тингламас, бир-бирини қулоқда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлар эди. Бундай хунук сўзлардан уялган қиз хонадан чиқиб кетди.**

**Сабр бардоши тугаган Марина стол устидаги пичоқни қўлига олди.**

**— Шу пайтгача чидаб келганим етар, энди ўлдираман! — деди у эрига таҳдидли овозда.**

**— Қўлингдан келса ўлдир. Қани, ур! — деди Сергей унинг бир қўлидан ушлаб бўйнини эгаркан.**

**— Мана, бўлмаса... Мана...**

**Марина эрининг бўйнига кетма-кет пичоқ санчди...**

**...Ўйнагани чиқиб кетган иккала ўғил қўшниларидан уйида жанжал бўлаётганини эшитгач, онасидан хавотирланиб югуриб келишганида арoқхўр отанинг кўзлари бутунлай юмилган эди.**

**Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг ҳукми билан Марина узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.**

**Отабек ҲАЙИТБОЕВ,**
**Урганч шаҳар прокурорининг ёрдамчиси.**
**Мирзабек ЖАПАҚОВ,**
**журналист**



# Яна бир қадам

Италия, Япония ҳамда Россия давлатлари яқин келажакда қўшма аэромобил қутқарув кучларини шакллантирадилар. РИА новости ахборот агентлигининг хабар беришича, бу кучлар ҳарбий қарама-қаршиликлар, табиий офатлар ва эпидемиялардан жабр кўрганлар учун тез ёрдам вазифасини ўтайди. Қутқарув тизими оғир касалликка учраганлар ва жабр кўрганларни дунёнинг қайси нуқтасида уларга стационар шароитда самаралироқ ёрдам кўрсатиш мумкин бўлса, ўша ерга етказиш қудратига эга бўлади. 2006 йилда ташкил этилган Россия-Германиянинг «Глобалавиаспас» отряди мазкур янги тизимга андоза қилиб олинган. «Глобалавиаспас» таркибида бортида тиббий ускуналар ҳамда қутқарув вертолётлари билан жиҳозланган учта ИЛ-76 русумли самолётлар, немисларнинг учта А-310 русумли самолётлари негизида жойлаштирилган аэромобил госпиталлар ҳамда россиялик қутқарувчилар гуруҳлари мавжуддир.

# Сир бой бермай



АҚШ мудофаа вазирининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Эрик Эдельман сешанба кунги баёнотида, яқин келажакда АҚШ мамлакатнинг ракеталарга қарши мудофаа тизими станциялари оладиган ахборотларни Россияга тақдим этишга тайёрлигини билдирди, деб хабар қилади Associated Press ахборот агентлиги.

Унинг таъкидлашича, АҚШ Европада ўзининг ракеталарга қарши мудофаа тизимини жойлаштириш борасида Россия билан музокаралар ўтказишга тайёр, агарда Москва ушбу музокараларни рад этса, у ҳолда бу масалани унинг розилигисиз ҳам ҳал этиш мумкин. АҚШ мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, мазкур ҳаракатлар икки давлат манфаатлари учун зарурдир. Эдельман Россия ҳукумати билан ушбу масалада ижобий тўхтамга келинади дея ишонч билдиради.

Эслатиб ўтиш жоизки, америкаликларнинг Европада, хусусан Польша ва Чехия давлатларида ўзининг ракета зарбаларига қарши тизимларини барпо этиш тўғрисидаги режаси Россия раҳбариятида норозилик уйғотди. Мюнхенда ўтказилган, хавфсизлик масалаларига бағишланган халқаро саммитда нутқ сўзлаган Россия президенти Владимир Путин, Шимолий Корея ёки Эрон ракеталари АҚШга хавф солишига шубҳа билдириб, АҚШ ракета зарбаларига қарши тизимларининг Россия чегараларига яқинлашишига расмий Москва томонидан тегишлича жавоб қайтарилишини таъкидлаб ўтди. Сал кейинроқ Россия бош штаби бошлиғи Юрий Балуевский ўз баёнотида, Россия Федерацияси ўрта ва кичик узоқликка учадиган ракеталарни йўқ қилиш битимидан бир томонлама чиқиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди.

Шундан сўнг Оқ Уй маъмурияти вакиллари бир неча бор АҚШнинг ракета ҳужумларидан мудофаа тизими Россияга қарши эмас, балки Эрон ва Шимолий Корея сингари давлатларга қаратилганлигини тушунтиришга уринишди. Бироқ, кўплаб мутахассисларнинг фикрича, Эрон ёки Шимолий Корея каби давлатлар узоқ келажакда ҳам АҚШгача етиб борадиган ракеталарга эгалик қилиши гумон. Таъкидлаш жоизки, Европада ҳам Россиянинг нуқтаи назарини қўллаб-қувватловчи давлатлар ҳам йўқ эмас.

# Ҳозирча сенсация йўқ

Россия Бош прокуратураси ходимлари Россия федерал хавфсизлик хизматининг собиқ зобити Александр Литвиненко қотиллиги билан боғлиқ жиноят ишини тергов қилиш жараёнида Лондондаги ишларини тугатишди, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги. Бош прокуратуранинг алоҳида муҳим ишлар бўйича тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари Андрей Майоровнинг айтишича, бир неча кун давомида россиялик терговчилар Скотланд-Ярдлик ҳамкасблари иштирокида бир қатор шахсларни, жумладан тадбиркор Борис Березовский ҳамда Аҳмед Закаевни ҳам сўроқ қилишган. Майоровнинг таъкидлашича, ушбу сўроқлардан терговчилар ҳеч қандай сенсацион маълумот кутишмаган ва иш режалаштирилганидек давом этмоқда. Шунингдек, Россия Бош прокуратураси вакили яқин орада россиялик терговчилар яна Лондонга бориши мумкинлигини ҳам инкор этмади.

# Собиқ агент топилмаяпти

АҚШ давлат департаменти вакили Шон Маккормакнинг таъкидлашича, Эронда бедарак йўқолган АҚШ фуқароси аввалроқ Федерал тергов бюроси ходими бўлган, лекин ўн йил муқаддам у мазкур давлат органидан бўшаган. Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, бедарак йўқолган шахс Федерал тергов бюросидаги фаолияти давомида умуман Эронга оид ҳеч бир масала ёки вазифалар билан ишламаган, унинг хизмат йўналиши уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлган, деб айтиб ўтди Маккормак. Ном-нишонсиз кетган америкаликнинг қариндошлари ҳам, унинг иш берувчиси ҳам 2007 йилнинг март ойи бошларидан бери бу шахснинг тақдири хусусида маълумотларга эга эмаслар. Аниқ бўлишича, у Эрондаги озод савдо ҳудуди ҳамда Киш оролидаги машҳур дам олиш масканига бормоқчи бўлган.

# Қонунчиликда кўрсатилмаган



Сешанба куни Украина молия вазири Николай Азаров давлат ғазнасида қайтадан парламент сайловларини ўтказиш учун маблағ йўқ деган баёнот билан чиқди, деб хабар қилади pro UA ахборот агентлиги. Унинг таъкидлашича, қайтадан сайловларни ўтказиш учун 700 миллион гривен керак бўлади. Айтиш жоизки, шунча пуллар Украинадаги барча ҳарбийларнинг йиллик маошини оширишга сарфланиши режалаштирилаётган маблағга тенгдир. Вазирнинг сўзига қараганда, мамлакат қонунчилигида муддатидан олдин сайловларни ўтказиш назарда тутилмаган, шу боис ушбу жараённи молиялаштириш ҳеч қаерда қайд этилмаган. Азаровнинг фикрича, парламентнинг қайта сайланиши мамлакат иқтисодиёти учун жуда қимматга тушади ва катта иқтисодий талофатларга олиб келади, шунингдек ҳукуматнинг иқтисод йўналишидаги ислоҳотларини ҳам жиддий хавф остига қўйиши муқаррар. Таъкидлаш жоизки, Украинанинг 24 та ҳудудлари раҳбарлари президент Ющенконинг парламентни тарқатиб юбориш ва қайтадан парламент сайловларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлашган. Львов вилояти маъмурияти раҳбари эса агарда Молия вазирлиги сайловларни давлат бюджетидан молиялаштиришдан бош тортса, у ҳолда уларнинг ўтказилиши учун маблағлар резерв бюджет фондлардан ажратилишини айтиб ўтганди.

Эслатиб ўтамиз, 2007 йилнинг 2 апрел куни президент Виктор Ющенко парламент ваколатини бекор қилиш ҳамда 2007 йил 27 май куни мамлакатда қайтадан парламент сайловларини ўтказиш тўғрисида фармон чиқарган. Кейинроқ эса Верховная Рада президент қарорига бўйсунишдан бош тортиб, молия вазирлигига янги сайловларни ўтказиш учун маблағ ажратишни таъқиқлаган.




# Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб....

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Африка иқтисодиёти хусусидаги анъанавий ҳисоботни тақдим этди. Унда ёзилишича, қитъада энг суст ривожланаётган давлат бу Зимбабведир. Етакчилар қаторида эса биринчи бўлиб Ангола турибди, 2006 йилда ушбу давлатнинг ички товар айланмаси 17,6 фоизга ошган.

Ўтган йилнинг якунига кўра, Зимбабведа ички товар айланмаси 4,4 фоизга камайган, мамлакатдаги инфляция жаҳондаги энг катта кўрсаткични, яъни 1730 фоизни ташкил этган. 2007 йил охирига келиб, нархнаво ошиши натижасида бу инфляция даражаси 4000 фоизга етиши кутилаяпти. Мамлакатда бешта одамдан тўрттаси ишсиз ва қашшоқликда кун кечиради. Анголага келсак, бу давлат нефтни экспорт қилиш эвазига ҳозирги натижаларга эришишга муваффақ бўлди. Рўйхатда Ангoладан кейин иккинчи ўринда Мавритания турибди. Бу ерда ички товар айланмаси кўрсаткичи 14,1 фоизга етган. Учинчи ўринни 7,9 фоиз билан Мозамбик давлати эгаллаб турибди. Ўрта ҳисобда олганда 2006 йили Африкада ички товар айланмаси нефт, металл, шунингдек мева ва сабзавотларни экспорт қилиш эвазига 5,8 фоизга ошган. БМТнинг тарқатган маълумотига кўра, Африка давлатларига тезроқ ривожланишига СПИД касаллигининг тарқалиши, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган об-ҳаво, бозор иқтисодиёти ислоҳотларининг суст олиб борилиши ва ривожланмаган инфратузилма тўсқинлик қилмоқда, деб хабар беради AFP ахборот агентлиги.

# Урушнинг асорати

Буюкбританияда иккинчи жаҳон урушидан буён портламай ётган немислар бомбаси топилди. AFP ахборот агентлигининг хабар беришича, 200 килограмм оғирликдаги ушбу снаряд Англиянинг жануби-шарқий қисмидаги Девоншир графлигида жойлашган Плимут шаҳрида аниқланган. Маҳаллий полиция вакилининг сўзига қараганда, ердан 15 сантиметр чиқиб турган бомбани қурувчилар топишган ва дарҳол полицияга хабар беришган. Тезда воқеа жойига етиб келган сапёрлар бомбани ковлаб олиб, денгиз ёқасига олиб боришди ва у ерда бомбани портлатиб юборишди. Снаряднинг бартараф этиш даврида эса яқин атрофда истиқомат қилувчи юзлаб аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Эътироф этиш жоизки, иккинчи жаҳон уруши даврида денгиз порти сифатида катта стратегик аҳамиятга эга бўлган Плимут шаҳри фашистлар авиацияси томонидан аёвсиз бомбардимон қилинган эди.



# Янги ташкилот

Тан олинмаган Приднестровье республикаси парламенти спикери Евгений Шевчук ташқи разведка хизматини ташкил қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Корреспондент.net ахборот агентлигининг хабар беришича, 2 апрель куни ушбу қонун лойиҳаси парламентнинг хавфсизлик, мудофаа ва тинчликпарварлик фаолияти қўмитасида муҳокамадан ўтди. Айни дамда Приднестровьеда ташқи разведка фаолиятини олиб бориш юзасидан ҳуқуқий база мавжуд эмас, бу вазифа республика давлат хавфсизлиги вазирлигига юклатилган. Қонун лойиҳасида янги хизматнинг иш механизмлари аниқ белгилаб ўтилган. Унда баён этилишича, бу ташкилот шахс, жамият ва давлатни ташқи тажовузлардан ҳимоя қилади.

2007 йилнинг январь ойида Приднестровье парламенти Молдова республикаси билан умумий давлатни ташкил этиш тўғрисидаги таклифни рад этди. 2006 йилнинг сентябрида ўтказилган референдумда эса 97 фоиз аҳоли мустақиллик ва кейинчалик Россия таркибига қўшилиш учун овоз берган.



# ТОКСИКОМАН АБОРИГЕНЛАР

Кейинги йилларда Австралия аборигенлари орасида токсикоманиянинг кенг тарқалиши «яшил қитъа» ҳукуматини жиддий ташвишга сола бошлаган эди. Шу боис улар яшайдиган ҳудудлардаги ёқилғи қуйиш тармоқларига махсус — «Opal» токсинсиз бензини тарқатиладиган бўлди, дея хабар беради The Daily Telegraf агентлиги.

Аборигенлар мамлакат аҳолисининг икки фоизини ҳам ташкил этмаса-да, улар яшайдиган резервациялардаги криминоген вазият юқорилиги сақланиб турибди. Бунга улар орасидаги ишсизлик ва турмуш даражасининг пастлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Ҳукумат бензин ҳидлашга муккасидан кетаётган аборигенларнинг саломатлигини тиклаш учун йилига 79 миллион доллар сарфланаётганини маълум қилган эди. Резервацияни «Opal» токсинсиз бензини билан таъминлаш учун эса 17 миллион доллар сарфланар экан.

Ҳарқалай, токсинсиз бензиннинг киритилиши айрим аборигени қабилалари орасида токсикоманларнинг кескин камайишига олиб келмоқда дейилади хабарда.

# Кимга маъқул, кимга йўқ

БМТ хавфсизлик кенгаши Косово муаммосининг муҳокамасида Косово президенти Фатмир Сейдиу иштирокини чегаралаб қўйишга қарор қилди, деб хабар қилади РИА новости ахборот агентлиги. Сейдиу эндиликда ушбу масалага бағишланган фақатгина норасмий учрашувларда иштирок этади ва овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Ундан фарқли ўлароқ, Сербия Бош вазири Воислав Коштуница овоз бериш ҳуқуқига эгадир.

Эслатиб ўтамиз, Косово мустақиллигини талаб қилаётган Косово албанлари ҳамда ушбу ҳудудни Сербия таркибида олиб қолишга ҳаракат қилаётган серб ҳукумати ўртасидаги музокаралар боши берк кўчага кириб қолгач, БМТнинг Косоводаги комиссари Марти Ахтисаари 2007 йилнинг январь ойида Косово муаммосини ҳал этишда, ўзининг шахсий режасини таклиф этганди. Кейинроқ эса Сербия парламенти муаммони бартараф этишда ёрдам бераолмаслигини рўкач қилиб Ахтисаари режасини рад этди. Шундан сўнг Россия Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров агарда Ахтисаари режани ишлаб чиқишга қурби етмаса, бу ишни бошқа одамга юклаш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Ёпиқ эшиклар ортида ўтказилаётган муҳокамалар бошлангунга қадар Сербия Бош вазири Воислав Коштуница Ахтисаарининг режасини серблар манфаатларига умуман тўғри келмаслиги, режада фақатгина албанлар фикри билдирилганлиги хусусида гапириб ўтди. Фатмир Сейдиу эса аксинча Марти Ахтисаари таклифларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини айтиб ўтди.

**Интернет хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади**

# Унутиш

**Шавкат ЁДГОРОВ**

Суннат муаллим кенжа қизини узатаяпти. Ким нима деса десин, тўй қилишни камбағалга чиқарган. Бой одам тўйида бир йилда, камбағал беш-ўн йилда топганини тўкиб-сочади. Шунгами, камбағалнинг тўйи тўйдай бўлади.

Айри зардоли остидаги чорпояда ўтирган чолларнинг ҳангомасини ўртачароқ шафтолидай келадиган ўрикларнинг ерга парсиллаб тушиши узиб-узиб қўяди. Бир нафас гапдан тўхтаган эзма чоллар ерга тушиб, данаги бир бўлак, эти бир бўлак бўлиб қолаётган меваларга қараб тамшаниб қўйишади. Таралган ширгимтил ис иштаҳасини қўзғайди шекилли, дастурхондаги ҳозиргина ювиб келтирилган меваларга бирваракайига қўл узатишади.

Пойгароқда ўтириб олиб ҳеч кимга гап бермаётган Сухроб бобо елкасини қисиб ҳиринглайди:

— Бу маллимнинг ўчи бор бизда! Бир қўрқитай деб атай шу ерга жой қиган!

Галга қўшилмайгина ўтирган Иззат буғалтир бир ғимирлаб олиб оғиз жуфтлайди:

— Куёв бола нима иш қилар экан?

Кўча бошидан чўзиб-чўзиб сигнал бериб келаётган машиналарнинг шовурида унинг саволи жавобсиз қолади.

Осойишта тўйхона бирдан жонланади. Бесаранжом хотин-халаж, томошаталаб бола-чақа дарвоза томон шошади.

Қатор-қатор машиналар тўғри келган жойга қантарилиб, улардан узун қисқа бўлиб олифтанамо куёв жўралар тушиб келишади. Атрофга беписанд кўз ташлаб сигарет тутатаётган йигитчалар куёв йигит ўтирган машина олдига тўпланиб олишади.

Оппоқ «Нексия»дан тушган уч-тўрт аёл бироз солланиб туришгач, қудағайларнинг қистови билан ичкари кириб кетишади.

Дарвоза томондан Отабек мулланинг қораси кўринади. У чорпояда ўтирган чоллар томонга йўл солади. Қисқа дуои фотиҳадан сўнг узилиб қолган суҳбат янгидан бошланади.

— Гап жиловини яна қўлга олган Сухроб бобо одатига кўра мулла Отабекни саволга тутиб бошлайди.

— Бир нимани сўрайман деб юрувдим, ҳозир эслаялмаяпманда. Хў-ўш, бу, нико қийиш ўзи кимларга буюрилган?

— Ҳар сафар шуни сўрайсиз-а, Сухроб бова, — дейди мулла Отабек кулиб.

— Бенамоздан бошқа лубой одам нико қийса бўлади, фақат маънисини билса бўлди, — гапга аралашади чоллардан бири.

— Сен гапга аралашма, — тенгқурининг гапини кесади Сухроб бобо, — нико бир қасамдай гап, ҳар кимам ўқийверса дуруст бўмайди. Ҳа-а, бир нимага тушунмайман. Отам раҳматли Фарғона каналида «баталон» бўлиб кеганиди, бир гапи эсимдан чиқмайди...

Чоллар «яна эски гапни бошлади» дегандай бир-бировларига қараб илжайишади. Дадилроқлари ҳатто томоқ қириб ҳам қўйишади. Сухроб бобо эътибор қилмай давом этади:

— Ўша маҳали, канал қурилишида бир жигит бир аялни хотин қилиб оласи бўганда нико қиядиган одам топилмаганакан.

— Фарғона томонларда-я? — луқма ташлайди боя гапи бўлиниб изза бўлган чол.

— Сен гапни эшит, — Сухроб бобо уни яна жеркийди. — Илми борлар бўса бўгандир, лекин қўрққан-да! Билсанг, у замонда мулламан деган одам қулоғини ушлаб кетган. Отам раҳматли қараса, бояги жигитминан аял никосиз қолиб кетадиган. Шартта ўртадан чиқиб ўзи никосини қийиб ташлабди.

— Билган бўлса ўқиган-да... — атайин яна унинг жиғига тегади тенгқури.

— Мен нима деяпман, отам нико қийиб юрган бўмаганакан. Ўзининг айтишича, олдин икковининг розилигини сўрапти. Сўғин бир коса сув қўйиб, «қулҳу валлоҳу аҳад»ни етти қайтариб, «энди ҳалол» деб юборибди. Раҳматли, то ўлганча шуни ўйлаб кетди. Ўзиниямmас, бояги жигит минан аялни ўйлаб кетди, бенико қомадимикан деб.

Чоллар ҳар доимгидай бир муддат жимиб қолишади.

— Ўзбек бўганаканми? – сўрайди ниҳоят чоллардан бири.

— Ким?

— Бояғи жигитни айтаман?

— Ўзбекдир-тажикдир, бир мусурмоннинг боласи бўган-да, — дейди энсаси қотган Сухроб бобо. Сўнг мулла Отабекка юзланиб сўрайди: — Шунинг жавоби нима бўлади, мулло улим? У энди-энди қариликни бўйнига олиб чоллар даврасига бугун қўшилган Иззат буғалтирга «гапни эшит» дегандай қараб олади.

Мулла Отабек ҳам жавобга шошмайди. Ёнидаги қариялардан нажот кутади, садо бўлмагач, илжайиб, ўзини ўйлаётганга солади. Шу пайтда ичкаридан хабарчи келади: никоҳ қийиш маросимини бошлаш керак. Мулла Отабекни ҳовли этагидаги уй томон бошлаб кетишади. Шу билан Сухроб бобонинг одатдаги саволи одатдагидай жавобсиз қолади.

Гапдан гап чиқиб, чоллар бир пайтлар ўзларининг никоҳини қийган муллалар ҳақида эслаб бошлашди. Улар бири олиб, бири қўйиб кўрган-билган муллаларига таъриф келтираётган пайтда Иззат буғалтирнинг нафас олгани билинмайди.

Кўзларини юмиб, гоҳ икки қоши ўртасига бармоқ қўйиб, гоҳ калта соқолини асабий тутамлаб ниманидир эслашга бефойда уриниб ўтирарди. Ҳаммасини эслаяпти: «комсомол тўйи»ниям, раҳматли Муса раиснинг сўз олиб гапирганини-ю, «горка» деб бақирганигача кечагидай эсида. Лекин шу... никоҳини ўқиган муллани эслаёлмасдида.

Ўйланиб ўтирди, ўтирди, бўлмади. Илкис ўрнидан туриб чорпоянинг зинасигаям қарамай ерга оёқ ташлади. Пойабзалини қидириб бироз каловланиб турди. Бир қатор терилган ковушлар орасидан туфлисини топиб оёғига илди. Сўнг чолларнинг «ҳай-ҳай, нима гап», деганигаям қарамай жўнаб қолди.

Чолларнинг гурунгидан файз кетди.

— Одам бола-чақадан тинмаса қийинакан, — салмоқлаб гап бошлади Сухроб бобо.

— Катта ули ҳалиям бедаракма? — сўради тўрда ўтирган жиккак чол.

— Бедаракликка-ку бедаракмас, ўриснинг юртида юрганмиш. Ўн йил бўлди-ёв, ота-онам бориди деб бир йўқламайди. Дарди ичида буғалтирнинг.

— Кенжаси яна қамалди деб эшитдим?

— Муштдайидан нашаванд бўган боладан нима кутасан бошқа. Қизини айт, бир рўзғорни гуллатадиган аял. Яна эрдан қайтиб кепти.

— Шундай одамнинг болалари бехосият чиқди-а, Сухроб? Уч боланинг бировиям одам бўмади.

— Бари ҳаром едиргандан.

— Худодан қўрқ, Сухроб. Буғалтир комунис бўган, кўп ҳаром емаган...

Дарвоза томонда кампирини судрагандай олиб келаётган Иззат буғалтир кўриниб, чолларнинг гапи узилди. Буғалтир кампирини етаклаб, тўппа-тўғри келин-куёвга никоҳ ўқилаётган уйга томон кетгани чолларни безовталаб қўйди.

Чоллар имиллаб етиб келганда хона ўртасида Иззат буғалтир бир нуқтага тикилган кўйи ҳайкалдай ўтирар, кампири эса елкалари силкиниб-силкиниб йиғларди. Мулла Отабек қироат билан никоҳ дуосини ўқир, ўқигани сайин унинг кўзларидан ҳам ёш қуйиларди.

*Турфа олам, турфа одамлар*

## Қон гуруҳининг аҳамияти йўқ



Копенгаген университети профессори Хенрик Клаузен бошчилигидаги халқаро илмий гуруҳ кишиларга қон қуйишга оид илмий янгилик яратдилар. Эндиликда гуруҳларга қараб қон қуйишга ҳожат қолмайди. Маълумки, II - қон гуруҳида А, III-гуруҳда В, IV-гуруҳда АВ антигенлари мавжуд бўлади. Олимлар ушбу антигенларни зарарсизлантирувчи ферментларни яратишга муваффақ бўлдилар.

Қон гуруҳи мос келмайдиган донордан олинган қон қуйилганида кишида иммун реакциялар вужудга келади. Фақатгина I - гуруҳга мансуб қон ҳамма кишиларга бирдай мос келаверади. Чунки ушбу қон гуруҳида А ва В антигенлари умуман мавжуд бўлмайди. Хенрик Клаузен бошчилигидаги олимлар бошқа қон гуруҳларидаги А ва В антигенларини зарарсизлантириш учун турли замбуруғ ва бактерияларнинг 2500та ферментларини синовдан ўтказдилар. Ниҳоят улар ҳар қандай қонни I-гуруҳ қонига айлантириш имкониятини берувчи гликозидазларнинг иккитасини яратишга муваффақ бўлдилар.

## Дунё томида туриб уй билан...



Рақобат компанияларни нималарга бошламайди дейсиз? Ўзини реклама қилиш учун улар ҳар қандай катта харажатлардан тап тортмайдилар. Ҳамманинг эътиборини тортадиган реклама уюштириш эса унча-мунчанинг қўлидан келавермайди. Motorola компанияси дунё томидаги шахс билан чўнтак телефони орқали алоқа ўрнатиш тажрибасини синаб кўрмоқчи. Британиялик альпинист Род Бейдер шу йилнинг май ойида Эверест чўққисига шимолий тарафдан чиқишни режалаштирган. Motorola компанияси эса Хитойнинг чўққи кўриниб турадиган ҳудудига узатиш қурилмасини ўрнатишни ўз зиммасига олган. Агар альпинистнинг омади келиб, ҳаво мўътадил бўлиб турса у илк бора чўнтак телефони орқали Эверест чўққисида туриб алоқага чиқади.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Бухоро вилоят прокуратураси жамоаси Ромитан туман прокурори Олим Юллиевга падари бузруквори

**Олтин ЮЛЛИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади. Бу оғир жудолик кунларида унга ва яқинларига сабр-бардош тилайди.


РЕКЛАМА

## «ФАРМЕД САНОАТ» хусусий корхонаси маълум қилади

**Ҳурматли истеъмолчи!**

Биз сизнинг ишончингизни юқори баҳолаган ҳолда **«Ринза таблеткалари №10»** дори воситасининг келиб чиқиши номаълум, оригинал дори воситасига жуда ўхшаш қалбаки нусхаларини сотиб олишдан огоҳлантирмоқчимиз.

**Қалбаки «Ринза таблеткалари №10» воситасининг серия рақамларини эслаб қолинг:**

**— серия 011205, серия R013, серия 140106,**
**— серия ВТ-173, серия 01402, серия U6170,**
**— серия 110906, серия ВТ-172**

***Бу билан сиз ўзингизни қалбаки маҳсулотдан ҳимоя қилган бўласиз.***

***«РИНЗА ТАБЛЕТКАЛАРИ №10» ДОРИ ВОСИТАСИНИНГ ФАҚАТГИНА ОРИГИНАЛ НУСХАСИ ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШДА ЁРДАМ БЕРАДИ! ЎЗ СОҒЛИҒИНГИЗНИ АСРАНГ!***

*Сизнинг ишончингиз — миллий ишлаб чиқарувчилар учун асосий кўмакдир!*

ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК!

***ИККИ ЙИЛДАН БУЁН РИНЗА ТАБ.№10 ДОРИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ 1-РАҚАМЛИ ВОСИТА ҲИСОБЛАНАДИ***

**Энди РИНЗА таб.'10 голограмма билан**

*2007 йил 12 февралдан эътиборан «Pharmed sanoat» хусусий корхонаси дорининг аслини ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уни **ГОЛОГРАММА** — ҳимоялаш тизимини қўллаган ҳолда ишлаб чиқармоқда. **ГОЛОГРАММА** дори қутисининг ҳар икки томонида жойлашган.*




*Сизларга ҳамиша омонлик тилаймиз!*

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:** *399-55-00; 175-75-00*



**Huquq** yuridik gazeta

**Ta'sischi:** O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:** Jahongir MAKSUMOV

**Tahrir hay'ati:** Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

**Tahririyat manzili:** Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi – 231

Buyurtma Г — 355. 23 580 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Z.MAMADALIYEV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 22.30 1 345678